

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «30» 6

2022-294-11-154-ХТ-
сон

Бувайда тумани.

Шиннам мебел 2022” мчж_(кейинги уришларда «Сотувчи» деб аталади) раҳбар Н.Солиев биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда уз Низомига асосан фаолият юритувчи Бувайда тумани Халқ таълими номидан раҳбар А.Абдулфаттохов (қелгусида "Харидор" деб аталади) урталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети.

1.1. «Сотувчи» «Харидор»га куйидаги махсулотларни етказиб беради:

1.2.Мазкур шартноманинг умумий қиймати 183 385 0000 (Бир юз саксон уч миллион уч юз саксон беш минг) сумми ташкил қилади.

1.3. Махсулотлар куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1.	Половой краска	кг	3045	35000	106575000
2.	Девор қисми учун сувли бўёқ	кг	8290	11000	91190000
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					
Ж а м м и :					183 385 000

2. Хисоб-китоб шартлари.

2.1. Олинган махсулотлари учун келишилган нархда хисоб-китоб қилинади.

2.2. «Сотувчи» махсулотни етказиб бергандан сунг, узаро солиштирув далолатномаларига асосан, етказиб берилган махсулот қиймати учун «Харидор» пул утказиш йули билан туловни амалга оширади. "Харидор" олдиндан 30% аванс туловини амалга оширади, ҳамда хисоб-китоб 60-кун ичида амалга оширилади.

2.3. Махсулотлар учун нарх узаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда уша кунга худуддаги уртача бозор нархлари, консалтинг фирмалар хулосалари, бозор худуддаги нархлар асос қилиб олинади. Агар Давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган махсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, Ушбу фарк «Сотувчи» зиммасидан қопланади.

3. Махсулот етказиб бериш.

3.1. «Сотувчи» шартномада белгилапган махсулотларни иловадаги таксимотномага асосан бюджет муассасаларининг манзилгоҳларига белгиланган муддатларда етказиб беради.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. «Сотувчи» «Харидор» томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч қозғи курсатгандан сунг махсулот беради.

4.2. «Сотувчи» махсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб беришга қафолат беради.

4.3. «Сотувчи» ҳужжатлар тугри расмийлаштирилишини уз зиммасига олади ҳамда махсулотларни сектор қошида белгиланган таркибдаги тузилган сифат комиссияси далолатномаси ва эҳтиёж таксимотига асосан харидор манзилгоҳига етказиб беради.

4.4. «Харидор» шартномада курсатилган махсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.

«Харидор» қабул қилиб олган махсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда, «Сотувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган махсулотни "Сотувчи"га қайтариб беради.

4.6. «Сотувчи» «Харидор»га унинг ишонч қозғида қайд қилинган махсулотлар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қозғида курсатилмаган махсулотларни, ёки махсулотларни ишонч қозғида белгиланган микдоридан ортқ берган ҳолларда, бу махсулотлар учун "Харидор" томонидан ҳақ тулатмайди.

Кўриб чиққан юрист: XUDOVNAZAROV ORIBJON XASANOVICH. Ҳужжат рақами: DM7708141466

4.7. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотларлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар «Сотувчи»га қайтариб берилди ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тулашмайди.

4.8. «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

5. Жарималар қўлланилиши.

5.1. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз, ёки сақлаш муддатлари утиб кетган маҳсулотларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай маҳсулотларнинг умумий қийматидан 20%дан ошмаган ҳолда жарима қўллаб қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинадди.

5.2. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган маҳсулотлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддати утган маҳсулотларни умумий қийматини 0,5% ҳар бир муддати утган кун учун «Харидор»га пеня тўлайди. Бундан пенянинг миқдори етказиб берилмаган маҳсулот қийматидан 50% ошмасин.

5.3. Жарималар тулалиши «Сотувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. Шартнома муддати.

6.1. Шартнома ҳар иккала томон имзолагандан сунг кучга кирилади.

6.2. Шартномадаги белгиланган маҳсулотларни етказиб бериш муддати шартнома тузилган ойнинг охиригача санасигача.

6.3. Шартномадаги белгиланган маҳсулотларни етказиб берилгандан сунг етказиб берилган маҳсулотларнинг туловини амалга ошириш муддати 2022 йил «31» декабргача.

6.4. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулот «Харидор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1; 4.2; 4.3-бандлари бажарилмаганда шартнома «Харидор» томонидан бир томонлама бекор қилиши мумкин. Бекор қилинганлиги тўғрисида "Харидор" "Сотувчи"га ёзма равишда асосларни келтирган ҳолда ҳақ билан маълум қилади.

7. Форс-мажор ҳолатлари.

7.1. Шартнома буйича тарафлар уртасида пайдо буладиган барча низолар келишмовчиликлар томонлар уртасида музокара йўли билан, ҳал қилиб булмаса иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

7.2. Табиий офатлар, уруш ва оммавий тартибсизликлар сабабли шартнома шартлари бажарилмаса томонлар мулкий жавобгарликдан озод этилади.

8. Қўшимча шартлар.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар узаро ҳал қилинади. Узаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосан Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча узгартиришлар иккала томон келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланган ҳолда газначилик бўлинмасидан руйхатдан утқандан кейин қонуний деб ҳисобланади.

«ПУДРАТЧИ»

“Шинам мебел 2022 “МЧЖ

Адрес: Бувайда тумани

Тел.: 993099667

Факс 993099667

ИНН 308327829

Р/С: 20208000905365348001

Банк Миллий банк банк

МФО



Н.Салиев

«ХАРИДОР»

Бувайда тумани Халқ таълими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Қоратёна қишлоғи

Тел/факс

ш/х: 100022860302127092100075062

бюджетдан маблағ

олувчининг СТИР: 200162514

ОКОНХ: 92300

Газначилик бўлинмаси номи

Газна х/в: 23402000300100001010

Банк в  Марказий банк

МФО:

Газпач

Рахбар

ИР: 201122919

Абдулфаттохов

ИШИ

М.У.

(Им)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi:

Xo‘jalik munosabatlari

2. Loyihaning nomi va ma‘zmuni:

Buvayda tumani Xalq ta‘limi bo‘limiga qarashli umum-ta‘lim maktablariga smeta xujjatlariga asosan maktablarni ta‘mirlash uchun kraska va lak buyoq maxsulotlarini yetkazib berish bo‘yicha tuzilgan Oldi sotdi shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot

Buvayda tumani Xalq ta‘limi bo‘limi tomonidan ishlab chiqilib 2022 yil 29-iyun kuni tizimga kiritilgan.

4. Mas‘ul ijrochi

Buvayda tumani yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga 2022 yilning 29-iyun kuni Buvayda tuman XTB tomonidan Buvayda tumani XTBga qarashli umum-ta‘lim maktablarini ta‘mirlash uchun kraska va lak buyoq maxsulotlarini yetkazib berish to‘g‘risida “Shinam Mebel 2022” MChJ bilan tuzilgan kraska va lak buyoq maxsulotlarini yetkazib berish to‘g‘risida tuzilgan 183.385.000 (Bir yuz sakson uch ming million uch yuz sakson besh ming) so‘mlik Oldi-sotdi shartnoma loyihasi ekspertizadan o‘tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

Shartnomani o‘rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379 moddasiga ko‘ra, Agar shartnomaning mazmunidan boshqacha tartib anglashilmasa, u kimoshdi savdosini o‘tkazish yo‘li bilan tuzilishi mumkin. Shartnoma kimoshdi savdosida g‘olib chiqqan shaxs bilan tuziladi. Shuningdek, kimoshdi savdosida g‘olib chiqqan shaxs va kimoshdi savdosining tashkilotchisi auksion yoki tanlov o‘tkazilgan kuni kimoshdi savdosining natijalari to‘g‘risida bayonnoma imzolaydilar, ushbu bayonnoma shartnoma tuzish uchun asos bo‘ladi. 2022- yilda Buvayda tumani XTB qarashli umum-ta‘lim maktablarini ta‘mirlash uchun maxsulotlarni yetkazib berish uchun smeta ekspertiza xulosasiga asosan O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 22

apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi 684-sonli qonunini hamda “Xarid qilish va tartib taomillarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risida”gi nizom ijrosini ta‘minlash maqsadida Respublika tovar xom ashyo birjasining xarid.uz saytidagi Halq ta‘limi bo‘limining shaxsiy kabineti orqali 108309-sonli LOT raqami bilan 2022 yil 20-iyun kuni e‘longa joylashtirilgan va 2022 yil 27-iyun kuni g‘olib aniqlanib elektron yig‘ilish bayoni tuzilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy agentligining **“Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”** gi 3016 - son buyrug‘i bilan tasdiqlangan nizomning 117-bandiga binoan, tanlov natijalari bo‘yicha shartnoma tanlov hujjatlarida va o‘zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlov ishtirokchisi tomonidan berilgan taklifda ko‘rsatilgan shartlar asosida g‘olib aniqlangan vaqtdan e‘tiboran **o‘n kundan kechiktirilmagan muddatda shartnoma tuzilishi belgilangan.**

Buvayda tumani Davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga «E-HUQUQSHUNOS» elektron tizimi orqali Buvayda tumani xalq ta‘lim bo‘limi tomonidan Buvayda tumani XTBga qarashli umum-ta‘lim maktablarini ta‘mirlash uchun kraska va lak buyoq maxsulotlarni yetkazib berish to‘g‘risidagi Oldi-sotdi shartnoma loyihasi joriy yilning 29-iyun kuni kelib tushgan. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy agentligining **“Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”** gi 3016 - son buyrug‘i bilan tasdiqlangan nizomning talablariga muvofiq, Yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga ekspertizadan o‘tkazish uchun yuborilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra

XULOSA QILAMAN:

Buvayda tumani XTBga qarashli umum-ta‘lim maktablariga mebel jixozlarini yetkazib berish to‘g‘risidagi Oldi-sotdi shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risidagi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi loyiha boshqaruvi milliy Agentligining “Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi 3016-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan Nizomning talablariga muvofiq ishlab chiqilganligi sababli uni qabul qilish va ishlab chiqish maqsadga muvofiq deb topilsin.

2022-yil 21-iyun

Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi

Bosh yuriskonsulti



O.Xudoynazarov

Коррупцияга қарши қондаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки ташкилотининг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;

Телеграм-канал (“73-529-11-65”);

(давлат органи ёки ташкилотининг номи) расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

ТОМОНЛАР:



“Шинам мебел 2022” мчж

(ф.и.о.)
(имзо)



Бувайда тумани халқ таълими бўлими

(давлат органи ёки ташкилотининг лавозими)

(ф.и.о.)
(имзо)

Бувайда тумани халқ таълими бўлими мудирини хузуридаги йиғилиш
БАЁННОМАСИ

2022 йил 30 июнь

Қоратепа қишлоғи

Йиғилиш раиси

А.Абдулфаттохов

Котиб:

Ю.Юлдашева

Йиғилишда қатнашдилар: ХТБ муҳандиси Н.Ортиқов, комиссия аъзолари Д.Ғофуров, Ш.Холдарқўзиев, К.Ўлжабоев

КУН ТАРТИБИ :

1. Тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари биноларини таъмирлаш учун бўёқлар сотиб олиш тўғрисида.

Туман халқ таълими бўлими мудирини А.Абдулфаттохов йиғилишни очиб, у ўз сўзида тумандаги тумандаги айрим мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш учун айрим мактабларга бўёқлар олиб бериш учун <https://etender.uzex.uz> сайтига эълон қиритилиб 22110012108309 лот рақами остида энг яхши етказиб берувчи танлаб олинганлигини айтиб ўтди. 27.06.2022 йил кунидан 30.06.2022 йил кунигача комиссия аъзоларига таъминотчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини билдириб ўтди.

ХТБ бош муҳандиси Н.Ортиқов ва комиссия аъзоси Д.Ғофуровлар музокара учун сўз олиб ўз фикр ва мулоҳазаларини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари биноларини таъмирлаш учун бўёқлар сотиб олиш тўғрисидаги ХТБ мудирини А.Абдулфаттоховнинг маърузаси асос учун қабул қилинсин.
2. Юқоридаги маҳсулотларни қабул қилиш ва мактабларга етказиш ХТБ муҳандиси Н.Ортиқов ва ХТБ таъминотчиси С.Шерматовлар масъул этиб белгилансин.
3. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Ю.Юлдашева зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси:

Котиб:



А.Абдулфаттохов

Ю.Юлдашева